

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ МУАММОСИГА ДОИР

Даминов Ш., ТерДУ ўқитувчиси

Хараппа маданиятининг Бактрия билан маданий алоқалари анча яхши ўрганилган. Айниқса, Бактрия ҳудудида Шўртўғай ёдгорлигининг очилиши бу мавзунинг асоси бўлиб хизмат қилган.

Шўртўғай ёдгорлиги Амударёнинг юқори оқими, чап томонида жойлашган, Хараппа маданиятининг инқирозидан сўнг пайдо бўлган ёдгорлик. Шу билан бир қаторда Сополли ва Даштли маданиятларига хос бўлган сополлар мажмуаси, мунчоқлар топилганки, бу ашёлар ёрдамида Шўртўғай ёдгорлигининг пайдо бўлишида ерли халқларнинг ўрни тўғрисида ҳам фикр юритишга имкон беради. П.Франкфортнинг фикрича Шўртўғай ёдгорлиги Хараппа маданиятининг шимолий савдо форпости бўлиб, лазурит савдо колонияси йўлида қурилган асосий таянч манзил ҳисобланади.

Бу ёдгорлик ашёлари нафақат маданий алоқалар, балки этник жараёнлар масаласини ечишда ҳам манба бўлиб хизмат қилади. П.Франкфорт Шўртўғай маданиятининг пайдо бўлишида маҳаллий Бактрия маданиятининг ўрни тўғрисида гапириб, Шўртўғайдан топилган муҳрлар ва уларда ифодаланган тасвирлар семантикасини Элам билан боғлайди ва П.Амье назариясини - Эламининг маданий таъсирини қўллаб-қувватлайди. Шўртўғай глиптикаси намуналари ҳақида гап юритар экан, Е.Кузьмина бу этнопсихологик жараён, бунда фақат генетик бирлик тўғрисида гапириш лозим, бу манбалар ҳинд-эрон аҳоли бирлигигача бўлган Бактрия аҳолиси тўғрисида маълумотлардир, деган фикрни таъкидлайди. В.М.Массон III минг йилликда Туркманистондан то Ҳинд ерларигача Элам тилли бўлганлиги назариясини давом эттириб, лингвист Д.Мак Альпина ва И.М.Дьяконов фикрларини қўллаб-қувватлайди.

Сўнгги вақтда адабиётларда Бактрияда Хараппа этник гуруҳларининг ўрни тўғрисида янги фикрлар пайдо бўлмоқда. Бертиль Лионнет Хараппа маданиятининг Бактрияга маданий таъсири тўғрисида эмас, балки бир этник гуруҳ тўғрисида гапириш керак деган фикрда. В.М.Массоннинг Алтин тепеда очилган «Зиккурат» қазилмалари вақтида топилган ашёвий манбалар Эронга нисбатан Хараппа маданиятига яқинроқдир, деган хулосаси Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқининг маданий алоқалари қадимдан давом этиб келаётганлигидан далолатдир.

Сополли маданияти ашёвий манбалари асосида ҳам Бактрия ва қадимги Ҳиндистон маданий алоқалари маълум даражада ўрганилган. Хусусан, кўзали даври моддий маданиятининг шаклланишида Хараппа маданиятининг ўрни А.А.Аскарлов томонидан кўрсатиб берилган бўлса, меъморчиликдаги ўхшашликлар Т.Ш.Ширинов томонидан ўрганилган.

Ўзбек-олмон Бактрия экспедициясининг Жарқўтонда олиб борган изланишлари натижасида Бактрия ва Хараппа маданий алоқалари хусусида янги маълумотлар тўпланди. Олинган археологик манбаларга асосан Бактрия ва Хараппа маданиятлари ўртасидаги маданий алоқалар бронза давридан бошланганлигини таъкидлашган.

Адабиётлар:

1. Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V.I.II. Paris: Boccard, 1989, P.405.
2. Аскарлов А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном. Древние культуры Средней Азии и Индии. -Т.: 1984.
3. Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. до н.э.). Формирование и развитие трасс великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. - Т.: 1990.